

А.ЙЎЛДОШЕВНИНГ ҲИКОЯЧИЛИК МАҲОРАТИ ҲАҚИДА

Гулмира Қиличева

ҚҚДУ, 2-босқич магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада адибнинг ўзбек ҳикоячилигида тутган ўрни ва бадиий асар яратишда ўзига хос бўлган маҳорати ҳақида сўз боради. Адиб ҳикоялари замонавий қаҳрамонлар талқинида ўз маромига ета олганлиги асослаб берилади.

Калит сўзлар: замонавийлик, маҳорат, мавзу, руҳият, тўйғу.

Ҳикоячилик бадиий адабиётнинг энг сермахсул, илғор ҳамда тезкор жанри саналади. Маълумки, ўзбек насри, хусусан, ҳикоячилиги кейинги йилларда шакл ва мазмун жиҳатдан бойиб, турфа мавзуларда инсон турмуш тарзини, унинг ички дунёсини, алоҳида олинган шахс ҳаётининг улкан бир олам эканлигини тасвирлашга интилмоқда. Зеро, “Адабиёт инсон тўйғуларига, дардига, ҳаёт йўлига кириб бориши керак. Одам нима учун шундай турмуш кечиряпти? Инсон ҳаётининг мазмуни нима, у инсон сифатида қандай хусусиятларга эга, унинг ўзига хос томонлари қандай – асарда шулар тўлиқлигича акс эттирилиши шарт”¹. Шу маънода, ҳозирги давр ўзбек насрида инсон меҳнати, унинг ҳатти-ҳаракатлари тасвиридан кўра, чигал руҳий олами, дарду аламлари, орзу-интилишлари, ўй-кечинмалари тасвирига кенг урғу бериш анъанага айланмоқда. Натижада бу кичик жанр ҳам ўзига хос услуб кўринишлари, ўзгача ифода тарзи, бадиий-фалсафий тадқиқ тамойиллари янгиланиб, инсон ботини ва шу асосда миллат руҳиятидаги ўзгаришларини тасвирлаш борасида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Адиблар асарларида инсонни кашф этиш, унинг мураккаб оламини ўрганиш, умумлашма ва хулосалар чиқаришга уринишлар кучайди.

Моҳир ҳикоянавис А.Йўлдошев ижодини унинг асарлари саноғини келтириш ёки ҳажми билан асло баҳолаб бўлмайди. Биламизки, қандай санъат асари бўлмасин унинг қиймати бадиийлик мезонлари асосида билан белгиланади. Адиб ижодига ўта талабчан ва синчков санъаткор. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг шу фикрини келтириш kifоя:” Баъзан юрган йўлингизда, мутлақо кутилмаганда, оний сонияда онг-шуурингизга, қалбингизга чақмоқдай “ярқ” этиб бир нарса урилади. Муҳими, шу оний сонияни тутиб қолиш. Қолгани кейин бўлаверади. Яна бир ҳолат. Аксар

¹ Шарафиддинов.О. Оламнинг қалби. –Тошкент.: “Маънавият”. 2014. Б.154

ҳолларда биз беихтиёр кузатиб юрган одамнинг, аслида кимлиги, қанақалиги айнан оний сонияда маълум бўлади. Хиёнат ҳам, сотқинлик ҳам лаҳзада ўзини намоён қилади. Жасурлик ҳам оний сонияда пайдо бўлади. Шу онни илғаб олсак бўлди, атрофимиз тўла қаҳрамонларимиз”².

Ёзувчи ўз қаҳрамони орқали атрофдаги одамларни ўзимизга маъқул келиш ё келмаслигига қараб эмас, балки борича, қандай яратилган бўлса шундайлигича, зиддиятли ва мураккаб инсон сифатида қабул қилиш зарурлигини, муҳими, инсонни англаш эканини таъкидлайди. Зеро, бу хусусият миллий ўзбек ҳикоячилиги тараққиётини таъминловчи муҳим хусусиятдир. Яна шуниси ҳам борки, инсонни тушунишга даъват этиш инсонни англаш фалсафасини талаб қилади. Инсонни ифодалаш орқали эса ана шу ҳаёт фалсафаси юз кўрсатади. Зотан, адабий жанр тараққиётининг янги даврида ҳодисаларга ва инсон шахсига ёндошиш тамойилларининг ўзгариб, такомиллашиб бориши табиий ва зарурий жараён ҳисобланади. Аммо, бадиий ижоднинг азалий қонунлари барча даврлар учун ўзгармасдир: ёзувчи воқеанавис эмас, инсоншунос сифатида иш кўриб, инсон қалби ҳақида айтилмаган ҳақиқатларни бадиий кашф этсагина, у яратган асар эстетик қиммат касб этади.

А.Йўлдошев ижод қилар экан, сарлавҳасидан тортиб, охиригича нуқтасигача бўлган жараёнга синчковлик, маҳорат билан ишлов беради. “- Кўп ҳолларда сарлавҳа ўз-ўзидан, асар кўнгилда туғилган, ҳали қоғозга тушмаган пайтларда пайдо бўлади. Кейин фурсати етиб битик туғилади, бу жараёнда ном ўзгариб кетиши ҳам мумкин. Шунинг учун бу борада аниқ бир “рецепт” йўқ. Тўғри, билгичлар яхши асарнинг эллик фоизини яхши сарлавҳа ташкил этади, дейишади. Балки, жойида топилган сарлавҳа ўқувчини ўзига жалб қилар” – дея таъкидлайди ёзувчи.

Маълумки, куйдириш учун куйиш, ардоқланиш учун ардоқлаш шарт. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ҳис қилинмасдан ёзилган нарса қоғоздан қилинган гулга ўхшаб қолади. Адибнинг «Алвидо, гўзаллик» ҳикояси фикримиз далили сифатида кўрсатилиши мумкин. Ёш ўсмир қалбида гўзалликни ҳис қилиш, ундан ҳайратланиш ҳолати ижодкор томонида гўзал тасвирланади. Ва шу гўзалликнинг қандай таназзулга юз тутиши моҳирона воқеликлар асосида ифодаланади.

“Шабнамдай тоза, нафис, бениҳоя гўзал Ойсулув янги бизнинг шароитга ўрганолмайд қийналарди. Айниқса аёлларнинг шанғи овозда бир-

² "Ёшлик" журналі, 2018, №3. 156

бирларини менсимай гаплашишлари, ҳатто беҳаё сўзларни бемалол айтиб ташлашларини кўриб каловланар, бундай маҳаллари киприк қоқмай аёлларга қараб қолар, аммо миқ этиб оғиз очмасди. Ўз навбатида чопиқчи аёллар Ойсулув янганинг камсуқумлигидан, журъатсизлидиган баттар асабийлашишар ва уни гап билан чимдиб-чимдиб олиб хумордан чиқишарди. Ў, ўзим неча марта кўрганман Ойсулув янганинг чекка-чеккага ўтиб юм-юм йиғлаб олганларини. Янга йиғларди-ю, лекин овозини чиқармасди. Менинг назаримда, буларнинг бари бир тараф эди-ю, эрининг қўпол муомаласи бир тараф эди Ойсулув янгага. Дарҳақиқат, Муслим ака айниқса бизнинг олдимизда хотинига қўпол гапирар, бўлар-бўлмас нарсаларга жеркиб бераверар, ишқилиб, ўзининг оилада хўжайин эканлигини эслатиб қўйишга интиларди. Бир марта, ишдан кейин сабил қолгур бир боғ шамак кўтариб кетиш ёдидан чиққани учун Муслим ака ҳамманинг олдида сўкканида Ойсулув янганинг дарахт ортига яшириниб олганча «энажон...» деб изиллаганини эшитганман”³.

Хуллас, бадиий асарда руҳият тасвири ижодий меҳнатнинг табиатидан чиқиб келади, демак, реал ҳаётгий асосга эга бўлади. Адиб ҳикояларидаги руҳият тасвирининг ўзига хослиги, янгича ифода ва янгича талқиннинг қоришиғи асарнинг ютуғини таъминловчи унсур сифатида майдонга чиқади. Инсон руҳияти ҳақида кенг кўламли илмий-тадқиқот олиб борган рус психологи ва файласуф олимларидан бири С.Л.Рубинштейндир. У бадиий асарда инсон руҳияти тасвири ҳақида ўзининг қуйидаги фикрларини илгари суради: “Сўз санъаткорлари қаҳрамон психологиясини тасвирлар экан, айнан унинг (қаҳрамон) кечинмалари – камолотга эришишдаги индивидуал йўлини ҳаётининг бурилиш паллалари сифатида ёритишга интилишлари бежиз эмас. Иттифоқо, инсон кечинмалари – унинг реал ҳаётининг субъектив томони, шахс умр йўлининг субъектив аспектидир”. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бадиий асарда тасвирланган инсоннинг руҳий олами ўша қаҳрамонга хос бўлган бетакрор характер-хусусиятлари, кечинмалари, истеъдоди, маънавияти сингари жиҳатларда гавдаланади. Демак, инсоннинг ички дунёси ва руҳий ҳолатининг чуқур ҳамда изчил тарзда олиб борилган бадиий тадқиқи адиб маҳорати ва услубий ўзига хослигидан далолат беради.

³ Йўлдошев А. Алвидо гўзаллик. Тошкент. “O’zbekiston”, 2011. 216 б.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ёўлдошев А. Алвидо, гўзаллик. Тошкент. "O'zbekiston", 2011.
2. Ёўлдошев.Қ. Насримиз уфқлари. Тошкент. Ёзувчи. 1999. 5май
3. Холмирзайев.Ш. Ҳикоя ҳақида. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1985. 25декабр.
4. Маҳмудова З. ижод психологияси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. Т. 2003.
5. Рустамова М. Ҳозирги ҳикоячиликда руҳият талқини. Ўзбек тили ва адабиёти. Т. 2004.

